

1917-1941-Йилларда Ўзбекистон Етимхоналарида Педагог-Кадрлар Тайёрлаш Муаммолари

Эшмуродова Гулбахор Хушмуродовна¹

Аннотация: Мақолада 1917-1941-йилларда Ўзбекистондаги етимхоналарда педагог-кадрлар тайёрлаш муаммолари таҳлил қилинади. Ўша даврдаги инқилоб, фуқаролар уруши ва қурғоқчилик сабабли етим болалар сони кескин ошганлиги, бу муаммонинг келиб чиқишига олиб келган омиллар таҳлил қилинади. Шунингдек, кадрлар етишмовчилиги, ўқитувчиларнинг кам маоши, малакасини ошириш имконияти чекланганлиги ва таълим тизимидаги камчиликлар муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: етимхона, педагог-кадрлар, таълим, Ўзбекистон, 1917-1941-йиллар, муаммолар, таҳлил.

Кириш

1917-йилдаги Октябрь инқилоби ва ундан кейинги фуқаролар уруши, қурғоқчилик каби омиллар Ўзбекистонда етим болалар сонини кескин ошишига олиб келди. Етим болаларни тарбиялаш ва таълим бериш учун кўплаб етимхоналар очилди, ammo уларни малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш муаммоси туғилди. Мазкур мақолада 1917-1941-йилларда Ўзбекистон етимхоналарида педагог-кадрлар тайёрлаш муаммолари таҳлил қилинади.

Асосий қисм

Педагог-кадрлар тайёрлаш муаммолари қуйидагича бўлган:

1. Кадрлар етишмовчилиги:

Ўша даврда Ўзбекистонда етарлича малакали педагог-кадрлар йўқ эди. Кўпчилик ўқитувчилар махсус таълим олишмаган ёки етарлича тажрибага эга эмаслар эди. Ёш, тажрибасиз ўқитувчилар етим болаларни тарбиялашдаги ўзига хос хусусиятларни етарлича билмас эдилар.

2. Ўқитувчиларнинг кам маоши:

Педагог-кадрларнинг маоши жуда паст эди, бу эса касбга қизиқиш ва малакали кадрларни жалб қилишга салбий таъсир кўрсатарди. Ўқитувчиларнинг кам маоши сабабли, кўпчилик улар бошқа юқори маошли касбларни танлашга мажбур бўлишди.

3. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш имконияти чекланган:

Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун имкониятлар жуда чекланган эди. Ўша даврда Ўзбекистонда таълим тизимидаги ўзгаришлар тез-тез содир бўлар, бу эса ўқитувчиларнинг малакасини оширишга салбий таъсир кўрсатарди.

4. Етимхоналардаги ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам етим бўлгани:

Кўпгина етимхоналарда ўқитувчилар ўзлари ҳам етим болалар эди. Улар ўзлари етарлича таълим ва тарбия олишмаган, бу эса бошқа болаларни таълим ва тарбиялашда қийинчиликлар туғдирарди.

5. Ёш болаларни тарбиялашдаги номукамал педагогик ёндашувлар:

¹ Ахборот технологиялари ва менежмент университети Педагогика кафедраси дотенти, педагогика фанлари номзоди



Ўша даврда Ўзбекистонда етим болаларни тарбиялашдаги ўзига хос хусусиятларни етарлича билган педагоглар етишмаган эди. Ёш болаларни тарбиялашда психологик ёндашувлар етарлича эътибор берилмас эди.

Бу муаммолар етим болаларнинг таълими ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатарди.

- Таълимнинг сифати паст бўлган. Ўқитувчиларнинг малакаси паст бўлгани сабабли, таълимнинг сифати ҳам паст эди.
- Психологик таъсирнинг етишмовчилиги. Педагог-кадрлар етим болаларнинг психологик ҳолатини етарлича ҳисобга олмас эдилар. Бу болаларда ўзгаришлар, рухий тушкунликка олиб келарди.
- Етим болаларнинг жамиятга мослашишига салбий таъсир. Етим болалар ҳаётдаги қийинчиликларга тайёр бўлмасдан ва ижтимоий мослашув кўникмаларини ҳосил қилмасдан катта бўлганлар.

Муаммони тадқиқ этишда миллий педагог-кадрлар тайёрлаш жараёнига асосий эътибор қаратилди.

Янги мактаб муассасаларни ташкил этиш сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва миллий жиҳатдан изтиробли кечди. Интернатлар тарбияланувчиларини оммавий мактаблар ўқувчилари билан бирга ўқитиш эса педагоглар учун оғир, кадрлар эса тақчил эди.

Кадрлар тақчиллиги, бизнингча:

- a) сиёсий омил-эски кадрларнинг янги мактабларда ишлашдан бош тортиши;
- b) ташкилий омил-сиёсий тўнтаришгача (1917) ҳам мактаблар кадрлар билан тўлик таъминланмаганлиги;
- c) иқтисодий омил-соҳага етарлича маблағ ажратилмаганлиги;
- d) миллий ва ҳудудий омил маҳаллий кадрлар кам тайёрланганлиги туфайли юз берган эди. Давлат асосий эътиборни мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратсада, сиёсий омил тадқиқ этилаётган давр ниҳоясигача устувор бўлиб қолиб, педагог-кадрлар олдига аниқ сиёсий талаб қўйилди: янги тузумни ҳимоя, унинг ғояларини тарғиб қилиш зарур эди.

Мазкур талаблар нотўғри эканлиги 1918 йилдаёқ кўзга ташланди:

- a) кадрлар давлат мафкураси ташвиқотчиларига айланиб қолган, уларнинг кўпчилиги сиёсий кураш моҳиятини тушуниб етмаган эдилар;
- b) кўплаб педагоглар давр руҳига мослаша олмай ишдан кетиб, тузумлараро кураш қурбони бўлдилар.

Тақчилликка барҳам бериш мақсадида эски мактаб ўқитувчилари ишга жалб этилди. Бу қалтис вазиятдан чиқишнинг ягона йўли янги тузумни капитализм ашёларидан қуриш фикрига асосланган эди. Аммо, маҳаллий кадрларни “оғдириш” қийин кечди, уларни қайта тарбиялаш ва дарҳол янги кадрлар тайёрлаш заруратга айланди. Бирок, ушбу муаммоларни 1920-йилларда ҳал этиб бўлмас, бу борада зиддиятли қарашлар юз берганлиги Х.М.Холиқованинг тадқиқотида асослаб берилган.

Педагог-кадрлар тайёрлаш муаммоси билан собиқ МХК қошидаги болалар уйлари бўлими шуғулланди. Шу жараёнда маданий инқилоб ўртага қўйган вазифалар умумий мажбурий ўрта таълимни амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотларни авж олдириш кўзда тутилган эди. Болалар уйларига эса кадрларни фақат собиқ МХК тавсияси билан қабул қилиш шарт қилиб қўйилди. Меҳнат интизоми кучайтирилди. Педагоглар сайлаб қўйилди. (Тошкент, №7, 4.02.1920). Бу тажрибани ҳозир ҳам қўллаш мумкин.

Педагоглар моддий таъминоти юзасидан собиқ ўлка шўроларининг VIII съезди (1919) ва халқ маорифи бўлимлари мудирларининг I съездида (1920) зарур тадбирлар белгиланди Аммо, иш



хақи маблағлари баъзан етимлар моддий таъминотиغا сарфланар эди. Масалан, Самарқанд вилоятида 1921 йилда (июль-октябрь) ижтимоий тарбия бўлимига 500 минг сўм етказиб берилмагач педагоглар кетиб қолганлар.

Давлат бюджети тақчиллигидан собиқ МИК П Пленуми (23.-07.1923) педагогларни натурал таъминот ва аҳоли маблағлари ҳисобига таъминлашга қарор қилди. Қабулхоналарда эса иш хақи нуқсонли болалар муассасалари иш хақиға тенглаштирилди. Гоҳо, иш ўринларини қисқартириш ҳисобига маошлар оширилди. Бирок, педагоглар 1924 йилгача ҳам машаққатли шароитларда ишладилар. Кўпинча, маорифнинг илк сўқмоқларини ўз ҳаёти эвазига очиш лозим бўлди.

1924-1928 йилларда ҳам бир неча ойлаб маош олмаслик ҳоллари давом этди. Жумладан, Тошкент тажриба-намуна интернатлари педагогларига 1924 йил февраль ойида 205 киши учун 1.908.297 сўмдан 59.601 сўми тўланмади. Аҳвол шу қадар тубан эдики, мазкур маош педагоглар турмуши мезонларининг 20-25%ини қондирган ҳолос.

1924 йилда тарбиячилар иш хақи 40 сўмга, II босқич мактаб-интернатларида эса 50-60 сўмга етказилди. Бу кўрсаткич 1925/26 (ўқув йилида 67,5, 1926/27 ўқув йилида эса 79,7 сўмга етди. Демак, 1917-1928 йилларда иш хақи 2,2 марта оширилсада, аҳвол ўнганмагач, давлат яна педагогларни рағбатлантириш тадбирларини белгилади. Жумладан, “Энг яхши қишлоқ ўқитувчиси” бутун иттифоқ кўрик танловида Тошкентдаги К.Либкнехт номли интернат мудири В.М.Любенцовга иккинчи мукофот берилган эди.

1929-1934 йилларда тарбиячилар моаши мактаб ўқитувчилари даражасига етказилди(1931), бир йиллик иш стажи икки тақвим йилига тенглаштирилди (1933), (224,24). Шунга қарамасдан, “Ўқитувчи халқи учун қашшоқлик оддий ҳол бўлиб қолиб. . .”, соҳага кадрларни жалб этиш қийин эди. Шу боисдан собиқ МХК яна педагогларни моддий қувватлашга қаратилган “Йилнинг энг яхши болалар уйи”, “Энг яхши тарбиячи” каби танловлар ўтказди. Ғолибларни тақдирлаш учун МБК фондидан 25.000 сўм ажратилди. Оқибатда моҳир педагоглар сафи анча кенгая бошлади. Чунончи, Кўқон шаҳридаги №3-болалар уйи (“Дорилшафақа”) мудири А.Ибодиев ва мусиқа йўриқчиси 300 сўмдан пул мукофоти билан тақдирланиб, муассасанинг ўн беш йиллик юбилеи ҳам ўтказилди.

Интернатлар учун давлат ва маҳаллий бюджет ажратмалари, оталик ёрдами кучайгач, ҳукумат педагогларни озиқ-овқат билан таъминлашга 500.000 сўм ажратди. 1934/35 ўқув йили олдидан маҳаллий раҳбарларга интернатлар педагогларини биринчи галда ер, чорва моллари, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари, томорқа, ёрдамчи хўжалик билан таъминлаш юклатилди (11.05.1934). Шу йили болалар уйлари мудирларининг маоши 137, тарбиячиларники эса 114 сўмга етказилди. Оқибатда илгари кетиб қолган кадрлар муассасаларга қайта бошладилар. Аммо иш хақи маблағларини ўз вақтида етказиб бермаслик ҳоллари мавжуд эди. Жумладан, 1933/34 ўқув йилида/ июнь-август/ Тошкент шаҳрида педагогларга 109,8 минг сўм етказиб берилмаган, давлат бюджети ажратмасидан 1 млн.сўм ишлатилмай қолган.

“Болалар етимлиги ва назоратсизлигига барҳам бериш ҳақида”ги қарор (2.06.1935) асосида болалар уйлари мудирларига 181,5-250, тарбиячиларга 126,5-150 сўмдан маош тўлана бошланди. Моддий муҳофаза шакллари кўпайди: бир гуруҳ педагоглар моддий (300 сўм) тақдирландилар (1937). Улар орасида Тошкент болалар уйлари мудирлари Амиров (№8), Заушкевич (№7), Исҳоқов (№2), Ибрагимов (№25), Сминова (№8), Наманганлик Медведев (№3) кабилар бор эди.

Республика жамоатчилик ташкилотлари шу мақсадлар учун 1.700.000 сўм ажратдилар. Лекин ушбу тадбирларга сиёсий тус берилиб, моддий таъминот учун давлат раҳбарларига миннатдорчилик билдириш одат тусига кирган эди. Айни пайтда кўплаб педагоглар қатағон қилиниб, сохта айблар билан олий жазога маҳкум этилдилар. Жумладан Кўқонлик (№3) А.Ибодиев (1936 йилдан “Меҳнат Қаҳармони), 1937 йилда айбсиз ҳибсга олиниб, отиб ташланди. Тошкентлик Рафиқ Мўмин жавобгарликка тортилди. Ана шундай зиддиятли шароитларда педагогларга қўшимча имтиёзлар бериш ҳам давом этди: педагогларни



мукофотлаш тўғрисида Низом (1937) қабул қилинди. Илғор педагогларга дам олиш уйлари ва коммунал хизмат бепул фойдаланиш тартиби жорий этилди (31,3). Лекин баъзи муассасаларда талон-тарож давом этар эди. Жумладан, Бухоро (№1), Пойарик, Тошкент (№7) болалар уйларида 200.000 сўмгача маблағларни мудирлар ўзлаштириб юборганлар.

Марказнинг “Техникумлар, катталар мактаблари ва болалар уйлари педагог-ходимлари иш ҳақини ошириш ҳақида”ги қарорига (18.01.1937) кўра болалар уйлари мудирларига 320-420, завучларига 256-356, тарбиячилар ва меҳнат йўриқчиларига эса маълумоти, иш стажы ва муассаса жойлашган худудга кўра 230-396 сўмдан маош белгиланиб, янги штатлар жадвали ишлаб чиқилди. Бироқ, архив ҳужжатларида кўрсатилишича, республикадаги баъзи болалар уйларида ўртача иш ҳақи 185-200 сўмни ташкил этган. Кадрларнинг муассасалардан кетиб қолишига чек қўйиш мақсадида уларнинг иш куни (соати)га ўзгартириш киритилди (26.07.1940), Ҳарбий давр машаққатларига қарамасдан болалар уйлари педагог-ходимларини рағбатлантиришнинг янги тартиби жорий этилди ва ҳар йили 30 августда “Ўқитувчилар куни”ни нишонлашга қарор қилинди. (1940)

Маҳаллий етимлар интернатларида садоқатли кадрлар етишмас эди. Бу ҳол Фарғона вилоят халқ маорифи бўлими ҳисоботида қуйидагича таърифланган: “Соф виждонли ўқитувчилар ғоятда кам, . . . эскича фикрлашади, шўролар ҳукумати сиёсатига қарши боришга ҳам тайёр. . . .”. Шу боисдан кадрларнинг сиёсий қарашларини аниқлаш кўзда тутилган анкета (28 савол) жорий этилди. Оқибатда муассасаларга тасодифий, маош ва бошпана олиш илинжида келганлар, кўпинча европаликлар жойлашиб олдилар. Жумладан, Тошкент шаҳрида(№15) ихтисосига кўра номувофиқ 6 педагог хизматчилар билан муттасил низолашар, №8 интернатда барча ходимлар поляклар, мудир ихтисосига кўра ҳуқуқшунос, педагоглар орасида 2-синф ва ЧСБ ни битирганлар (Самарқанд, 1922 №20) ҳам бор эди.

Манбаларда 1920 йилгача интернатлар педагоглари микдорига оид маълумотлар оммавий мактабларга кўшиб берилган бўлиб, алоҳида кўрсаткичлар бериш имконини бермайди. 1920 йилда эса барча турдаги интернатларда 1362, мактаб ёшидаги нормал болалар интернатларида 306 педагог ишлар ва яна 1862 педагог етишмас эди. Мавжуд педагоглар ҳам ашаддий тартиббузар, жаҳонгашта етимлар билан сурункали ишлаш туфайли асабий, касалманд бўлиб қолган, ақлий қобилияти анча юқори болаларга қуруқ қўл билан таъсир кўрсата олмас эдилар. Агар Фарғонада 1461 та тарбияланувчига 90 та тарбиячи тўғри келган бўлса, ўз даври педагогикаси илми байроқдори А.С.Макаренко ташкил этган муассасада 78 та етимга 38 киши (11 педагог, 27 хизматчи) тўғри келганлигини қиёслаш кифоя.

1921 йилда барча турдаги интернатларда 1756 мактаб ёшидаги нормал интернатларда эса 540 педагог ишлаётган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўлкадаги жами педагогларнинг 27,9 % ини ташкил этган. Интернатлар педагоглари сонига оид рақамлар 1922 йилда 1709-522, 1923 йилда эса 722-380 кишини ташкил этиб, интернатлар сони 14,2%га камайган.

1924-1928 йилларда кадрлар таъминоти борасида олға силжишлар кам бўлди. Бироқ, аҳвол ҳамма жойда бир хил эмас, чунончи, Фарғонада педагогларнинг 90% и эски мактаб маълумотига эга бўлгани ҳолда, шаҳарларда ижодий педагогик лабораторияга айланиб бораётган интернатлар кўзга ташлана бошлади. Тошкентдаги Алмай, К.Либкнехт, В.Г.Чернишевский номли тажриба-намуна интернатларида, Зебинисо номли болалар уида, Самарқанд, Фарғона, Қўқон муассасаларида ижодкор-педагоглар тўплана борганлигини жонли гувоҳлар И.Султонов, Г.Раҳимова, Л.Раҳимова, Гулсум Раҳимова, С.Эшонтўраева ва бошқалар мамнуният билан эслашади.

Айни пайтда бу даврда ўткир сиёсий қурашлар гирдобидида кўплаб илғор педагоглар ҳаёти бой берилди. Чунончи, Қорақалпоғистондаги “Маориф қурбонлари”да 32 бўлғуси ёш педагогни Дурдиқилич галаси даҳшатли қийноқларга дучор қилди. (25.08.1924). Татар ҳамзани тириклайин ёқдилар. Ҳазораспда тарбиячи Сўфижоновни акаси билан бирга ваҳшийларча ўлдиришди. Болалар уйларида таълим-тарбия бериш оммавий мактабларга қараганда 20 марта қимматга тушаётган бир пайтда педагоглар ва ўқувчиларни ўлдириб кетиш оддий ҳолга



айланди. Бунинг устига кадрлар таъминоти нисбати Сирдарёда 19:1, Фарғонада 25:1 тарзида бўлса, Андижон ва Қўқонда 15:1 тарзида эди. Аҳволни тезда ўнглаш мақсадида мактаб битирувчиларига интернатларга йўлланма берилди. Кадрларни адолатли тақсимлашга қаратилган махсус қарор (18.01.1927) қабул қилинди. Оқибатда 1924 йилда болалар уйларида 268, 1925 йилда 221, 1926 йилда 265, 1927 йилда 345, 1928 йилда 347 педагог ишлаётган ва амалда таъминот 7:1 нисбатда эди.

1929-1934 йилларда кадрларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ошди. Агар интернатларда 1929 йилда 356 педагог ишлаган бўлса, 1930 йилда 396, 1931 йилда 379, 1932 йилда 445, 1933 йилда 554, 1934 йилда 501 кишига етди.

Муаммони ҳал қилиш йўллари:

- Педагог-кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш: Ўзбекистонда педагог-кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, етимхоналар учун малакали педагог-кадрлар тайёрлаш бўйича махсус дастурларни яратиш керак эди.
- Педагог-кадрларнинг маошини ошириш: Педагог-кадрларнинг маошини ошириш орқали касбга қизиқиш ва малакали кадрларни жалб қилишга имкон яратиш зарур эди.
- Педагог-кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини жорий қилиш: Педагог-кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун махсус дастурлар ва имкониятларни яратиш керак эди.
- Етим болаларни тарбиялашдаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш ва қўллаш: Етим болаларни тарбиялашдаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш, тажрибали педагогларнинг ёрдами билан маълумотларни йиғиш, махсус таълим методларини ишлаб чиқиш ва қўллаш лозим эди.

Натижа:

Педагог-кадрлар етишмовчилиги ва таълим тизимидаги камчиликлар етим болаларнинг таълими ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатди. Ўқитувчиларнинг малакаси паст бўлгани сабабли, таълимнинг сифати ҳам паст эди.

Хулоса

1917-1941-йилларда Ўзбекистон етимхоналарида педагог-кадрлар тайёрлаш муаммоси жуда катта муаммо бўлган. Бу муаммони ҳал қилиш учун кўп ишлар қилиниши керак эди. Педагог-кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, етим болаларни тарбиялашдаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш ва қўллаш муҳим аҳамиятга эга эди.

Агар 1920-йилларда муассасалар контингентининг 90 %ни европаликлар ташкил этган бўлса, 1930-йилларда бу кўрсаткич 50-60% га тушиб, маҳаллий етимлар салмоғи ортди. Аммо, Сталин катагонлари, кулоқлаштириш, иккинчи жаҳон уруши, эллигинчи йиллар ва “Десантчилар зулми” даври (1980-йиллар) етимлари тақдири, уларнинг таълим-тарбияси муаммолари ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Мамлакат келажаги иқтидорли, кенг ихтисосли педагоглар тайёрлашга боғлиқлиги тушуниб етилди. Коммуналар заминида илмий-амалий тажрибалар олиб борилиб, дарсликлар, қўлланмалар, дидактик воситалар тайёрлаш, “мактабгача муассаса+мактаб-интернат+касб-хунар билим юрти бирлашмалари” синовдан ўтди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Shohrux Nuraliyev PEDAGOG SHAXSI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR // Scientific progress. 2021. №8.
2. Sh. Mardonov, F. Mardonov PEDAGOG KADRLAR MALAKASINI OSHIRISH TA'LIMI // SAI. 2022. №B4.



3. Sh. Mardonov, F. Mardonov PEDAGOG KADRLAR MALAKASINI OSHIRISH TA'LIMI // SAI. 2022. №B4.
4. Bonuxon Azizovna Umurzakova PEDAGOG FAOLIYATI VA MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA MEDIAMADANIYAT TA'SIRI // ReFocus. 2023. №1.
5. Rustam Safarov IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTAB-INTERNAT XODIMLARINI BAHOLASH ORQALI SIFAT SAMARADORLIGINI ANIQLASH // SAI. 2023. №Special Issue 12.
6. Usmonova, Matluba Nosirovna IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTAB-INTERNATLAR O'QUVCHILARIDA MILLIY VA UMUMINSONIY FAZILATLARNI TARBIYALASHNING PEDAGOGIK IMKONIYATLARI // ORIENSS. 2022. №4.

